

UDK: 632+632.03

ФИТОСАНИТАР ХАВФ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Жўрабек Яҳёев, Бекзод Собиров,

Самад Утаганов, Машрабжон Шайманов

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти

Abstract. *This International Standard provides a detailed description of the process for conducting a pest risk analysis (PRA) to determine if pests are quarantine pests. It describes the integrated processes that should be used for risk assessment as well as for the selection of pest risk management options.*

Keywords. *phytosanitary risk analysis, phytosanitary risk assessment, phytosanitary risk management assessment, preparation stage, documentation.*

Кириш. Кўриб чиқиладиган минтақа учун ФХТ вазифалари карантин аҳамиятга эга бўлган зарарли организмларни ва/ёки уларнинг тарқалиш йўларини аниқлаш ҳамда улар билан боғлиқ хавфни баҳолаш, шунингдек хавфга учраган минтақани аниқлаш, зарур ҳолларда эса фитосанитар хавфни бошқариш вариантларини аниқлаш ҳисобланади. Карантин зарарли организмлар учун фитосанитар хавф таҳлили (ФХТ) учта босқичдан иборат жараён ҳисобланади:

1-босқич (жараённинг тайёрлов босқичи) ФХТнинг муайян минтақасига нисбатан фитосанитар хавф таҳлилида кўриб чиқилиши лозим бўлган карантин аҳамиятга эга зарарли организм(лар)ни ва у(лар)нинг тарқалиш йўларини аниқлашдан иборатдир.

2-босқич (хавфни баҳолаш) карантин зарарли организмлар мезонларига нисбатан уларнинг қондирилишини ўрнатиш мақсадида алоҳида зарарли организмларни тоифлаштириш билан бошланади. Хавфни баҳолашга зарарли организмнинг кириб келиш, акклиматизацияланиш ва тарқалиш эҳтимолларини ҳамда потенциал иқтисодий оқибатларни (шу жумладан атроф муҳит учун оқибатлар – S 1) баҳолаш киради.

3-босқич (хавфни бошқаришни баҳолаш) 2-босқичда аниқланган хавфни камайтириш учун бошқарув вариантларини аниқлашдан иборат. Ушбу вариантлар уларнинг самарадорлиги, амалга ошириш мумкинлиги ва мувофиғини танлаш учун уларнинг таъсири нуқтаи назаридан баҳоланади.

1-босқич: Тайёрлов босқичи

Тайёрлов босқичининг мақсади ФХТнинг муайян минтақасига нисбатан фитосанитар хавф таҳлилида кўриб чиқилиши лозим бўлган карантин аҳамиятга эга зарарали организм(лар)ни ва у(лар)нинг тарқалиш йўларини аниқлаш ҳисобланади.

2-босқич: Фитосанитар хавфни баҳолаш

Умумий ҳолатда фитосанитар хавфни баҳолаш жараёни ўзаро боғлиқ қуйидаги уч қадамга бўлиниши мумкин:

- зарарли организмни тоифалаштириш;
- интродукция ва тарқалиш имкониятларини баҳолаш;
- потенциал иқтисодий оқибатларни баҳолаш (шу жумладан атроф муҳитга талофат).

Аксарият ҳолларда ушбу қадамлар ФХТ мобайнида изчил амалга оширилиши лозим, бироқ муайян изчилликка риоя этиш мажбурий ҳисобланмайди. Фитосанитар хавфни баҳолаш, ҳолатлар билан техник оқланганга нисбатан муракаб бўлмаслиги лозим. Ушбу стандарт фитосанитар тадбирларнинг халқаро стандарти (ФТХС №1) “Халқаро савдо билан боғлиқ ўсимликлар карантини тамойиллари”да¹ (ФАО, 1995) ёритилганидек, зарурийлик, минимал таъсирлилик, ошкоралик, эквивалентлик, хавф таҳлили, бошқариладиган хавф ва дискриминациянинг йўқлиги тамойилларидан келиб чиққан ҳолда аниқ бир ФХТ тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

3-босқич: Фитосанитар хавфни бошқаришни баҳолаш

¹ 2004 йилда нашр қилинган асл ФЧХС №11 да 1995 йил нашр қилинган ФЧХС №1 га ҳавола келтирилган. Шу вақтдан бошлаб ушбу стандарт қайта кўриб чиқилган ва 2006 йилда “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини фитосанитар тамойиллари ва халқаро савдода фитосанитар чораларнинг қўлланилиш” номи билан тасдиқланган (ЎХКЕТ № 17/13919 – таржима №30 ҳужжатида қаранг) (ЎХКЕТ эслатмаси).

Фитосанитар хавфни баҳолашда олинган хулоса хавфни бошқариш талаб этилишини ёки қабул қилиниши лозим бўлган чораларнинг қанчалик қаттиқ бўлишини ҳал қилиш учун қўлланилади. Модомики, ноль хавфига амалда эришиб бўлмас экан, у ҳолда хавфни бошқаришдаги етакчи тамойил талаб этиладиган даражага эришиш бўлиши лозим, у эса мавжуд тассаруф этилаётган ресурслар чегарасида оқланиши ва амалга оширса бўладиган бўлиши мумкин. Фитосанитар хавфни бошқаришни баҳолаш (таҳлилий маънода) аниқланган хавфга жавоб қайтариш йўллари аниқлаш, ушбу ҳаракатларнинг самарадорлигини баҳолаш ва энг мақбул вариантларни танлаш жараёни ҳисобланади. Иқтисодий оқибатларни ва интродукция эҳтимолини баҳолашда констатирланган ноаниқлик ҳам хавфни бошқариш вариантларини танлашда кўриб чиқиши ва киритилиши лозим.

Фитосанитар хавф таҳлилни ҳужатлаштириш

Ўсимликлар ҳимояси ва карантини халқаро конвенцияси ва “ошкоралик” тамойили (ФТХС №1: “Халқаро савдо билан боғлиқ ўсимликлар карантини тамойиллари”²) талаб қиладики, сўров бўйича мамлакатлар фитосанитар талабларнинг мантиқий асосини тақдим этишлари зарур. Тайёрлов босқичидан то фитосанитар хавфни бошқаришни баҳолашгача бўлган бутун жараён еталича ҳужатлаштирилиши лозим, бу эса қайта кўриб чиқишни амалга оширишда ёки баҳс юзага келганда бошқарув тўғрисидаги қарор қабул қилишда фойдаланилган ахборот манбалари ва мантиқий асосларни кўрсата олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича халқаро конвенция, 1997. ФАО, Рим.
2. ФТХС №1: Ўсимликлар ҳимояси ва карантини фитосанитар тамойиллари ва халқаро савдода фитосанитар чораларнинг қўлланилиш, 2006. ФАО, Рим.

² 2004 йилда нашр қилинган асл ФЧХС №11 да 1995 йил нашр қилинган ФЧХС №1 га ҳавола келтирилган. Шу вақтдан бошлаб ушбу стандарт қайта кўриб чиқилган ва 2006 йилда “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини фитосанитар тамойиллари ва халқаро савдода фитосанитар чораларнинг қўлланилиш” номи билан тасдиқланган (ЎХКЕТ № 17/13919 – таржима №30 ҳужжатиға қаранг) (ЎХКЕТ эслатмаси).

3. ФТХС №5: Фитосанитар атамалар изоҳли луғати (глоссарий), 2007. ФАО, Рим.
4. Фитосанитар атамалар изоҳли луғати, 1-илова: Бошқариладиган зарарли организмларга қарши расмий кураш концепциясини интерпретация ва қабул қилиш бўйича йўриқнома, 2001. ФАО, Рим.
5. ФТХС №11: Карантин зарарли организмлар учун фитосанитар хавф таҳлили, шу жумладан атроф муҳит учун хавф ва тирик модификацияланган организмлар томонидан юзага келувчи хавф таҳлили, 2004. ФАО, Рим.
6. ФТХС №21: Назорат қилинадиган нокарантин зарарли организмлар учун фитосанитар хавф таҳлили, 2004. ФАО, Рим.
7. ФТХС №24: Фитосанитар чораларнинг эквивалентлигини аниқлаш ва тан олиш бўйича йўриқнома, 2005. ФАО, Рим.
8. Khudarganov K., Azimov N., Yakhoev J. Guidelines On Pest Risk Analysis: Decision-Support Scheme For Quarantine Pests // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. – 2021. (ISSN – 2689-1018) Volume 04 ISSUE 02 Pages: 5-8.
9. Khudarganov K., Azimov N., Yakhoev J., Shaymanov M. Description of the phytosanitary risk analysis process performed on the lawn to determine a phytosanitary risk management // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. – 2022. (ISSN – 2689-1018) Volume 03 ISSUE 02 Pages: 15-19.
10. Shaymanov M.Sh., Murodov B.E., Yakhyoyev J.N. Pest Risk Analysis In Comstock Mealybug (*Pseudococcus Comstocki*) In Pomegranate And Dates // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering. – 2022. (ISSN – 2689-1018) Volume 04 ISSUE 02 Pages: 12-16.